

**“КЕЛИШИЛГАН”**


**Қашқадарё вилояти қурилиш  
бош бошқармаси**

  
\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ 2022 й.

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

**“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ  
Бошқарув раиси ўринбосари в.б.**

  
\_\_\_\_\_



\_\_\_\_\_ 2022 й.

**“Чашма темир йўл бекати худудида Чашма ҳарбийлаштирилган  
қўриқлаш бўлинмаси учун бино барпо қилиш” объекти бўйича  
ишчи лойихани ишлаб чиқиш учун**

**ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

**Тошкент 2022 йил**

Т/Р	Асосий маълумотлар ва талаблар рўйхати	Асосий маълумотлар ва талаблар мазмуни
1	2	3
1.	Буюртмачи	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Капитал қурилиш дирекцияси 100060, Тошкентшаҳар, Т.Шевченко кўчаси 7 уй; Тармоқлараро айланма (МФО) коди 00875; Ўзбекистон Республикаси ТИФ МБ Миробод филиали х/р 20210000402698916001; СТИР202 342708; ҚҚС тўловчи рўйхатга олиш коди 326 010 005 344
2.	Ишчи лойиҳани ишлаб чиқиш учун асос	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг 2022 йил 31 мартдаги 263 – Н сонли буйруғи.
3.	Қурилиш тури	Янги қурилиш (Контейнер туридаги уйчалардан фойдаланган ҳолда).
4.	Молиялаштириш манбалари	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг ўз маблағлари ҳисобидан.
5.	Лойиҳанинг тахминий ҳисоб-китоби	Лойиҳада аниқланади.
6.	Лойиҳа ташкилотининг номи	Танлов асосида
7.	Пудрат ташкилотининг номи	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ таркибий бўлинмалари.
8.	Объектнинг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари, шу жумладан қуввати, унумдорлиғи	Чашма бекати ҳудудида 60 нафар ходимлар учун мўлжалланган ҳамда контейнер туридаги уйчалардан фойдаланган ҳолда ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмаси барпо қилиш.
9.	Махсулотларнинг рақобатбардошлилиги ва экологик параметрлари сифатига қўйиладиган талаблар. Технология, корхона тартибига қўйиладиган талаблар.	Миллий хусусиятларни, амалдаги ташкилот талабларини инобатга олиб, маҳаллий қурилиш материаллари, қурилмалари ва жиҳозларидан максимал даражада фойдаланган ҳолда лойиҳалаштириш ва қуриш учун Ўзбекистон Республикасида жорий қилинган амалдаги қурилиш меъёрий ҳужжатларига риоя қилинсин.
10.	Архитектура – қурилиш, ҳажмий – режалаштириш ва конструктив қарорлар, биноларни безатиш, таркибий ечимларига бўлган талаблар.	Биноларни ва уларнинг майдонларини жойлаштириш ҳамда маҳаллий қурилиш материаллари, қурилмалари ва ускуналардан максимал даражада фойдаланиб, шунингдек минтақанинг ўзига хос хусусиятлари ва миллий хусусиятларини, қолаверса антисейсмик талабларни ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаштириш ва қуриш учун Ўзбекистонда шаҳарсозлик қоидаларига ҳамда ШНҚ ва ҚМҚ меъёрларига амал қилинсин ва куйдагилар кўриб чиқилсин: - қўриқлаш бўлинмасини барпо қилиш учун контейнер туридаги уйчалардан фойдаланиш; - ташқи дераза жиҳозларида металл ва пластик профиллардан фойдаланишни кўриб чиқиш; - ёнгинага қарши сув ҳовузи ва насосдан фойдаланиш; - бионинг қурол сақлаш хонаси 3 хонали пишиқ ғиштли, каркаслари темир бетон билан тўлдирилган бўлиши; - контейнер туридаги хоналарнинг ички қисмини ёнгин хавфсизлиги талабларига мос равишда жиҳозлаш; - оқова сувлари, иситиш тизими ва сув таъминоти қувурларини пластик ва металл материаллардан бўлишини кўриб чиқиш;

		<ul style="list-style-type: none"> <li>- қурол сақлаш хонаси, ходимлар учун ётоқхона, ўқув хонаси, ДК ўқ отиш машқи тренажёри хонаси, ошхона, ювиниш хонаси ва кўмир сақлаш омбори ва бошқалар эшикларини металл ва пластик профиллардан бўлишини кўриб чиқиш;</li> <li>- махсус хоналар эшиклари металлдан бўлишини кўриб чиқиш;</li> <li>- бўлинма худуди атрофини бетон ёки шлакобласти химоя деворлари билан тўсишни кўриб чиқиш лозим.</li> </ul>
11.	Кичик меъморий шакллар ва ободонлаштиришга бўлган талаблар	ҚМҚ 3.01.05-99 “Ишларни қабул қилиш ва ишлаб чиқариш. Худудларни ободонлаштириш қоидалари” ва ШНҚ 4.02.68-07 “Ободонлаштириш. Таъмирлаш-қурилиш қоидалари” ҳамда амалдаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ ва фойдаланувчи ташкилот билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилсин.
12.	Кўтариб ва чегаралаб турувчи қурилмалар материаллари ҳамда конструктив тузилмаларга қўйилган асосий талаблар	Ўзбекистон Республикасида мавжуд бўлган ва амалдаги шаҳарсозлик норматив ҳужжатларига мувофиқ ҳолда ишлаб чиқилсин.
13.	Муҳандислик ва технологик жиҳозларга қўйилган асосий талаблар, технологик жиҳозларнинг рўйхати	Лойиҳада, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан максимал даражада фойдаланиб, лойиҳалаштирилган объектнинг мақсадга мувофиқ мос келадиган замонавий технологик сертификатга эга ускуналар ва қурилмалар ва ускуналарнинг технологик жараёнларда ишлашини таъминлашни инобатга олиб ишлаб чиқилсин.
14.	Меҳнат хавфсизлиги ва санитария-гигиена талаблари	Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиология нормалари ва қоидалари ҳамда темир йўл транспортида йўловчиларни ташишни ташкил этиш санитария талабларига мувофиқ ҳолда ишлаб чиқилсин.
15.	Лойиҳалаш учун бюртмачи томонидан тақдим қилинадиган дастлабки бирламчи маълумотлар рўйхати	Буюртмачи томонидан лойиҳани ишлаб чиқувчининг талабларига мувофиқ лойиҳалашда зарур бўлган бирламчи маълумотларни ва архитектура-режалаштириш топшириғи (АРТ I, II қисмларини) тақдим қилади.
16.	Атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган талаблар	Амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик хавфсизлик, санитария ва ёнғин хавфсизлиги меъёрлари ва қоидаларига риоя қилиш чоралари кўрилсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 ноябрдаги 949-сонли қарорига мувофиқ “Атроф-муҳитга таъсири тўғрисида ариза” лойиҳаси ишлаб чиқиш, ишлаб чиқилган лойиҳанинг атроф-муҳитга таъсирини амалга ошириш натижасида атроф-муҳитга етказиладиган зарарни миқдорий баҳолаш ва тақлиф қилинган чора тадбирларни ҳисобга олган ҳолда унинг салбий таъсирини камайтириш, асосий хавф омилларини, табиат ва ўзгариш доираси хавфларини қисқартириш бўйича чора-тадбирларни белгиловчи экологик хавфларни баҳолаш; Лойиҳавий ва техник қарорларни қабул қилишда экологик ёки юқори турувчи меъёрий қоидаларга амал қилган ҳолда ишлаб чиқилсин. Қурилиш тугалланиши билан “Экологик оқибатлар тўғрисидаги ариза” ишлаб чиқилсин.
17.	Нархни шакллантириш бўйича талаблар	Объект қурилишининг шартномавий нархлардаги баҳоси ШНҚ 4.01.16-09 “Қурилиш баҳосини шартномавий жорий нархларда аниқлаш қоидалари”га

		<p>мувофик аниқлансин.</p> <p>Смета ҳужжатларининг таркиби:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- рўйхат (лойиҳанинг мазмуни локал смета ҳисоб-китоблари бўйича рақамланган саҳифалари билан);</li> <li>- қурилиш нарҳини ҳисоблаш методологияси тушунтириш хати билан;</li> <li>- йиғма смета нарҳини ҳисоблаш (қурилишнинг бошланғич қиймати, объектнинг батафсил йиғма ҳисоби, шартнома – шартнома қийматлари);</li> <li>- лойиҳада кўзда тутилган барча объектлар учун ишлаб чиқилган маҳаллий ва ресурс сметалар жадваллари;</li> <li>- машина ва механизмларнинг фойдаланиш ва бошқа харажатлари нарҳи;</li> <li>- ишчи лойиҳани ишлаб чиқиш даврида, жорий нарҳлардаги мураккаб бозор рақобатларига мувофик бўлган смета ҳисоблашлари бажарилсин.</li> </ul>
18.	<p>Лойиҳалаштиралаётган объектнинг таркиби</p>	<p>Лойиҳада қуйдагилар кўзда тутилсин:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- контейнер туридаги уйчалардан фойдаланган ҳолда ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмаси биноси;</li> <li>- қурол сақлаш хонаси (3 хонали пишиқ гиштдан);</li> <li>- ходимлар учун ётоқхона (60 нафар ходимлар учун);</li> <li>- укув хонаси; - ошхона; - ювиниш хонаси; - хожатхона;</li> <li>- ДК ўқ отиш машқи тренажёри хонаси;</li> <li>- команда бошлиғининг хизмат хонаси;</li> <li>- саф ва спорт майдончалари;</li> <li>- анжомлар сақлаш омбори; - кўмир сақлаш омбори;</li> <li>- қаттиқ турдаги ёқилги ва захира табиий газга мўлжалланган модулли қозонхона, кийимларни қуриштириш хонаси;</li> <li>- дизел генератор хонаси (автоном электр токи манбаи хонаси);</li> <li>- ичимлик суви сақлаш учун резервуарлар;</li> <li>- ёнғинга қарши сув ховузи ва насоси;</li> <li>- автогараж (3 та автотранспорт воситаси учун);</li> <li>- ободонлаштириш, ёритиш ва сугориш тизими билан таъминлаш;</li> <li>- назорат ўтказиш пункт хонаси (КПП);</li> <li>- команда ҳудуди атрофини химоя деворлари билан тўсиш;</li> <li>- техник шартларга мувофик ташқи ва ички муҳандислик коммуникациялари;</li> <li>- бинолар, йўлаклар, ҳудуд ва йўловчилар платформасини видеокузатув билан жиҳозлаш.</li> </ul> <p>Керакли бино ва иншоотларни ШНҚ ва ҚМҚ меъёрларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2015 йил 10 июлдаги 118-сон буйруғига илова қилинган “Идоравий ва спорт ўқотар қурол ҳамда унинг ўқ-дорилари сақланадиган хоналарнинг муҳандислик-техник жиҳатдан мустаҳкамлиги ҳамда қўриқлаш-ёнғиндан сақлаш сигнализацияси воситалари билан жиҳозланишига қўйиладиган талаблар тўғрисида” ги низомга биноан, объектнинг талабларини ҳисобга олиб, шунингдек манфаатдор вазирликлар ва идоралар ҳамда буюртмачи тақдим қилган техник шартларига мувофик ишлаб чиқилсин.</p> <p>Ишчи ҳужжатларининг батафсил таркиби “Ўзбекистон</p>

		темир йўллари” АЖ “Ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бошқармаси”нинг 2022 йил 22 апрелдаги НО-312 - сонли, “Электр таъминоти бошқармаси”нинг 2022 йил 13 майдаги ЭТ-78/560 - сонли ва “Сигналлаштириш ва алоқа бошқармаси”нинг 2022 йил 18 майдаги Ш-534/22 - сонли техник шартларига ҳамда ШНҚ 1.03.01-16 “Бино ва иншоотлар, корхоналарни капитал қуриш лойиҳа-смета ҳужжатларини тасдиқлаш ва келишиш, ишлаб чиқиш тартибига” мувофиқ аниқланади.
19.	Энергия самарадорлигини таъминлаш бўйича қабул қилинадиган лойиҳавий ечимлар	Лойиҳалашда замонавий ва энергия тежайдиган ускуналардан фойдаланиш ҳамда қурилмаларни энергия ўлчаш асбоблари билан жиҳозлашни кўриб чиқилсин.
20.	Фуқаро муҳофазаси ва фавқулодда вазиятлар олдини олиш бўйича муҳандислик чоратадбирларини ишлаб чиқишга қўйиладиган талаблар	Лойиҳалашда Қашқадарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси техник шартларига ва меъёрий ҳужжатлар талабларига амал қилинишини инобатга олинсин.
21.	Ногиронлиги бўлган ва имконияти чекланган аҳоли гуруҳлари ҳаракатланиши учун яратилган шароитларга қўйилган талаблар	Мавжуд меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган талаблар инобатга олинсин ва ишлаб чиқилсин.
22.	Лойиҳада ёнгин хавфсизлиги бўлимини ишлаб чиқишга қўйилган талаблар	Ёнгин хавфсизлиги ва хавфсизлик талабларига мувофиқ ишлаб чиқилсин.
23.	Кўргазма, намойиш материалларига қўйилган талаблар	Лойиҳалаштирилган бино ва иншоотларга бадий безалган ва жиҳозланган кўринишини кўргазма, намойиш ( <i>демонстрационные</i> ) материалларини, ички ( <i>интерьер</i> ) ва ташқи ( <i>экстерьер</i> ) қиёфаси лойиҳалари ишлаб чиқилсин.
24.	Корхона, ташкилотларнинг иш тартиби	Йилига 365 (365) кун, кечаю-кундуз.
25.	Ташқи транспорт алоқалари ва етказиб бериш схемаси	Хом-ашё, материаллар, ускуналарни корхонага олиб кириш ва олиб чиқишни ташкил этиш схемаларини кўриб чиқилсин.
26.	Қурилишнинг белгиланган муддати (йил)	2022- 2023 йиллар. *
27.	Муҳандислик кидирув ишларига қўйилган талаблар	Муҳандислик-геодезия ва гидрогеологик тадқиқотлар лойиҳалаш учун зарур бўлган ҳажмда амалга оширилсин.
28.	Қурилишнинг алоҳида шартлари	- зилзила жиҳатидан хавфлилиги – 7 балл; - минтақанинг иқлими – II зона; - ер ости сувлари – муҳандислик ва гидрогеологик тадқиқотлар орқали аниқлансин.
29.	Лойиҳалашнинг алоҳида шартлари	Лойиҳа-тадқиқот ишларининг муддати – 1,5 ойдан ошмаган муддатда амалга оширилсин ( <i>Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирининг “Лойиҳа-тадқиқот ишларининг қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги 2019 йил 19 августдаги 396-сон буйруғига асосан</i> ). Бюртмачига тақдим қилишдан олдин, келишилиши лозим бўлган лойиҳа ҳужжатлари мутасадди вазирликлар, манфаатдор идоралар, тегишли ташкилотлар билан ўрнатилган тартибда келишилган бўлиши талаб қилинади. Электр истеъмоли бўйича тоифаси – II.

30.	Курилиш объектининг мураккаблик тоифаси	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 августдаги “Объектларда давлат қурилиш назоратини амалга ошириш бўйича маъмурий регламент ҳамда объектларнинг хавф-хатарлар тоифалари таснифини тасдиқлаш тўғрисида”ги 496-сонли қарорига мувофиқ қурилиш объектининг мураккаблик тоифаси III.
31.	Лойиҳалаштиришнинг алоҳида шартлари	Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиққан ташкилот лойиҳа ҳужжатларини мазкур соҳада тегишли ваколатга эга бўлган экспертиза органларининг экспертиза хулосасини олишда, қурилиш устидан муаллифлик назоратини ўтказишда, тугалланган қурилиш объектларини фойдаланишга қабул қилиб олиш бўйича комиссиялар йиғилишларида иштирок этади.
32.	Қўшимча талаблар	Ишлаб чиқилган лойиҳа Қашқадарё вилояти Қурилиш бош бошқармаси ва шаҳарсозлик кенгаши билан келишилсин. Лойиҳани амалга ошириш доирасида харид қилинадиган товарлар, ишлар ва хизматлар бозорлари ва нархлари таҳлил қилиб ўрганилсин (ишлаб чиқарувчилар ва етказиб берувчилар, уларнинг етказиб бериш нархлари, сифати ва шартлари, шунингдек, лойиҳа эҳтиёжларини қондириш имкониятларини қиёсий таҳлил қилишни назарда тутган ҳолда). Камида 3 та ташкилотнинг тижорат таклифлари (прайс-варақлар ва бошқалар) асосида харид қилинаётган ускуналар нархини асослантириш. Лойиҳа-смета ҳужжатлари 4 нусхада, лойиҳалар ва сметалар ҳамда қурилмалар рўйхати электрон шаклда тақдим қилинсин. Қўшимча лойиҳа-смета ҳужжатлари нусхалари шартнома орқали тақдим қилиниши ҳисобга олинсин. Ишлар якунланганлиги тўғрисидаги далолатнома ишлаб чиқарувчи томонидан ишлаб чиқилиб бюртмачига тақдим қилинсин.
33.	Қурилишни ташкил этиш лойиҳасини ишлаб чиқиш	ШНҚ 1.03.01-16 “Бино ва иншоотлар, корхоналарни капитал қуриш лойиҳа-смета ҳужжатларини тасдиқлаш ва келишиш, ишлаб чиқиш тартибига” мувофиқ қурилишни ташкил этиш лойиҳасини ишлаб чиқиш.
34.	Ишчи лойиҳанинг тасдиқланадиган қисмининг таркиби	Лойиҳа таркибида ишлаб чиқилсин: - Умумий тушинтириш хати; - Меъморий-қурилиш ечимлари; - Техник, технологик ечимлар; - Қурилиш қиймати; - Энергия самарадорлиги.

Изоҳ – \*лойиҳани амалга оширишнинг метёрий муддати лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш даврида аниқлади.

**Буюртмачи:**

Капитал қурилиш дирекцияси  
бошлиғи в.б.

**Келишилди:**

Ҳарбийлаштирилган қўриқлаш  
бошқармаси бошлиғи

 Ш.И. Абдуллаев

 А.И. Хамролиев